

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Qx/V.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ДЖАЛИЛОВА ГУЛНОРА ТУЛКУНОВНА**

**ЎЗБЕКИСТОН ЎРТА ВА ПАСТ ТОҒЛАРИДАГИ ЭРОЗИЯ  
ЖАРАЁНЛАРИНИ ГЕОАХБОРОТ ТАҲЛИЛИ  
(ЧОТҚОЛ ВА ТУРКИСТОН ТОҒЛАРИ ТУПРОҚЛАРИ МИСОЛИДА)**

**03.00.13- Тупроқшунослик**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Биология фанлари бўйича фан доктори (DSc)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)  
по биологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)  
on biological sciences**

**Джалилова Гулнора Тулкуновна**

Ўзбекистон ўрта ва паст тоғларидаги эрозия жараёнларини геоахборот таҳлили (Чотқол ва Туркистон тоғлари тупроқлари мисолида).....3

**Джалилова Гулнора Тулкуновна**

Геоинформационный анализ эрозионных процессов в среднегорьях и низкогорьях Узбекистана (на примере почв Чаткальского и Туркестанского хребтов).....25

**Djalilova Gulnora Tulkunovna**

Geoinformation analysis of erosion processes in the middle and low mountains of Uzbekistan (on the example of the soils of the Chatkal and Turkestan ranges).....47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....51

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Qx/V.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ДЖАЛИЛОВА ГУЛНОРА ТУЛКУНОВНА**

**ЎЗБЕКИСТОН ЎРТА ВА ПАСТ ТОҒЛАРИДАГИ ЭРОЗИЯ  
ЖАРАЁНЛАРИНИ ГЕОАХБОРОТ ТАҲЛИЛИ  
(ЧОТҚОЛ ВА ТУРКИСТОН ТОҒЛАРИ ТУПРОҚЛАРИ МИСОЛИДА)**

**03.00.13- Тупроқшунослик**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.DSc/B72 рақам билан рўйхатга олинган.**

Фан доктори (DSc) диссертацияси Ўзбекистон миллий университетидида бажарилган.

Фан доктори (DSc) диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институти хузуридаги илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.soil.uz](http://www.soil.uz)) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий маслаҳатчи:</b>	<b>Гафурова Лазизахон Акромовна</b> биология фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонетлар:</b>	<b>Абдуллаев Анвар Хайдарович</b> биология фанлари доктори <b>Юлдашев Ғуллом</b> қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор <b>Мазиров Михаил Арнольдович</b> биология фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти</b>

Диссертация ҳимояси Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3-уй. Тел.: (+99871) 246-09-50; факс: (99871) 246-76-00; e-mail: [info@soil.uz](mailto:info@soil.uz)).

Докторлик диссертацияси билан Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3-уй. Тел.: (+99871) 246-15-38.)

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли баённомаси)

**Р.Қ.Қўзиёв,**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси  
б.ф.д., профессор.

**Н.Ю.Абдурахмонов,**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, б.ф.н., катта илмий ходим.

**М.М.Тошқўзиёв,**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор.

## **КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертациясининг аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунё бўйича деградацияга учраган ерлар 1964,4 млн гектарни, шундан сув эрозияси жараёни таъсирида 55,7 %, шамол эрозияси таъсирида 27,9% ташкил қилади. Деградация жараёнлари натижасида ҳар йили 7 млн. гектардан ортиқ ер майдонлари қишлоқ хўжалиги фойдаланувидан чиқиб кетиши кузатилмоқда<sup>1</sup>. Тоғли ҳудудларда кечадиган эрозия жараёнларини ўрганишда уни келтириб чиқарувчи омиллар тўғрисидаги ахборотларни тўплаш ва янгилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тоғ экотизимларида ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, тупроқ қопламани муҳофаза қилиш, ер ресурсларини бошқариш ва бошқа тадбирларни режалаштиришда узоқ муддатли ечимларни қабул қилиш энг муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Дунёда тупроқ эрозиясини келтириб чиқарувчи омилларни, тупроқларнинг асосий хоссаларига таъсирини ўрганишда тупроқ-иқлим шароитларини эътиборга олиш, тупроқларнинг эрозияланиш даражасини аниқловчи айрим диагностик белгиларни ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотларда замонавий ахборот технологиялари, турли хил дастурий таъминотлардан фойдаланилмоқда. Тупроқ тўғрисида кундалик маълумотлар олиш ва унга реал вақтда ишлов бериш, шунингдек Ерни масофавий зондаш маълумотларини дешифровка қилишда кенг спектр имкониятини яратувчи геоахборот тизимларидан (ГАТ) фойдаланиш билан боғлиқ тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу йўналишда, айниқса, тоғли ҳудудларда кечадиган эрозия жараёнларини аниқлаш ва таҳлил қилишда қатор қулайликлар яратувчи масофавий маълумотларни дешифровка қилишнинг замонавий усулларини қўллашга қаратилган илмий-тадқиқотларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда республикада эрозияга учраган тупроқларни унумдорлигини тиклаш, ошириш мақсадида уларнинг агрокимёвий, агрофизикавий хоссаларини ҳамда биологик фаоллигини яхшилашга ва эрозияга қарши курашда янги агротехнологик чора-тадбирларни қўллаш каби масалалар юзасидан тадқиқот ишлари олиб борилиб, амалиётга тадбиқ этилмоқда. Шу билан бир қаторда 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида ҳам «...аграр соҳада инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни ишлаб чиқишни йўлга қўйишда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантиришнинг асосий йўналишини аниқлаш кераклиги» асосий стратегик вазифалардан қилиб белгиланган. Мазкур вазифани амалга ошириш, жумладан, тоғ ҳудудларида кечадиган эрозия жараёнларни таҳлил қилишда, эрозия жараёнларини тупроқ хосса-хусусиятларига таъсирини ўрганишда замонавий инновацион технологиялар ва янги ёндашувларни қўллаш бўйича илмий изланишлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги ПФ-

---

<sup>1</sup> <http://www.fao.org/news/story /ru/item/296053/icode>

5065-сон «Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасида назоратни кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, давлат кадастрлари юритишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июль 530-сон «Ўрмон хўжалигини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Эрозия жараёнларини баҳолашда замонавий ахборот технологияларини жорий қилишга қаратилган илмий-тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан Università Ca' Foscari Venezia, Department of Environmental Sciences, Informatics and Statistics (Венеция), Southern Illinois University Carbondale (АҚШ), National Research Center Egypt (Египет), University of Agriculture in Krakow, Department of Land Reclamation and Environmental Development (Польша), Technical University of Denmark (Дания), Natural Resources Management and Sustainable Development (Англия), шунингдек Димо номидаги Молдова Тупроқшунослик, агрокимё ва тупроқларни муҳофаза қилиш институти (Молдова), Докучаев номидаги Тупроқшунослик институти (Россия), Ломоносов номидаги Москва Давлат университети, Тимирязев номидаги Россия Давлат аграр университети, Успанов номидаги Тупроқшунослик ва агрокимё институти (Қозоғистон), Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Тоғ тупроқларида кечадиган эрозия жараёнларини геоахборот таҳлил қилишга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, кўйидаги илмий натижалар олинган: тупроқ хариталарини масофавий тасвирлар каби замонавий воситалар ёрдамида коррективроқлаш тупроқ қоплами таснифига аниқлик киритиши исботланган (Southern Illinois University Carbondale); тоғ ҳудудлари рельефининг морфометрик кўрсаткичларини тавсифловчи мавзули хариталар тузиш жараёни кўп ҳолларда ГАТ технологияларидан фойдаланишга йўналтирилганлиги аниқланган (National Research Center Egypt); тоғ ҳудудларида кечувчи эрозия жараёнлари жойнинг қиялик нишаблигига, ўсимлик қопламининг тупроқ юзасини проекцион қоплаш хусусиятларига боғлиқлиги аниқланган (Natural

---

<sup>2</sup><https://www.researchgate.net>.

Resources Management and Sustainable Development); геоахборот технологиялари асосида космик тасвирларга ишлов бериш - тасвирларни турли даражада генерализация қилиш, тупроқ турлари бўйича майдонларни чегаралаш, деградация турларини аниқлаш каби имкониятлар яратиши исботланган (Н.Димо номидаги Молдово Тупроқшунослик, агрокимё ва тупроқларни муҳофаза қилиш институти).

Бугунги кунда дунёда нотекис рельеф шароитида тарқалган тупроқларда кечувчи эрозия жараёнларини геоахборот таҳлил қилиш бўйича бир қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: тупроқларни хариталаш жараёнларини янги босқичга чиқишини аниқлашда ахборот таҳлилининг рақамли услублари ва технологияларини ишлаб чиқиш; тупроқларнинг эрозияга хавфлилигини аниқлашда тадқиқотларнинг тезлигини оширувчи ва иш қийматини камайтирувчи турли хил маълумотлар базасига асосланган ҳолда картографик асосларни яратиш; тупроқ-эрозия жараёнларини мониторинг қилишда аниқ ва фактик маълумотларга эга бўлиш мақсадида масофавий маълумотлардан, аэрокосмик тасвирлардан фойдаланиш услубларини такомиллаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунё илм-фанида эрозия муаммоси мавжуд бўлиб, эрозион жараёнларни рўй бериши, ювилган тупроқларнинг тарқалиш қонуниятлари, уларнинг унумдорлиги ва эрозияга қарши тура олиш чидамлилиги тавсифи бўйича узок йиллар давомида кўплаб маълумотлар тўпланган. Эрозияшуносликнинг ривожланишига ўзларининг катта ҳиссаларини қўшган олимлардан С.С.Соболев, М.Заславский, Г.П.Сурмач, Г.И.Швебс, Х.М.Мустафаев, С.У.Керимханов, В.Б.Гуссак, М.Б.Дошанов, М.А.Панков, З.Н.Антошина, Ф.К.Кочерга, А.А.Ханазаров, М.С.Кузнецов, Х.М.Махсудов, С.М.Елюбаев ва бошқаларнинг ишларини келтириб ўтишимиз мумкин. Турли турдаги деградация жараёнларини ўрганишда янги босқичга ўтиш, яъни геоахборот тизимлари (ГАТ) асосида тадқиқотларни олиб боришга оид изланишлар О.О.Светличный, М.С.Симакова, А.А.Попов, Э.Н.Молчанов, Л.Ю.Дитца, И.Ю.Савин, Д.Руховичлар томонидан олиб борилган. Лекин, тоғ тупроқлари шароитида кечувчи эрозия жараёнларини мониторинг қилиш ва бу жараёнларни тупроқларнинг хосса ва хусусиятларига таъсирини мукамал ўрганишда объектив маълумотларга эга бўлиш мақсадида замонавий инновацион технологиялар ва янги ёндашувларни жорий этиш, яъни масофавий зондлаш маълумотларини ер усти маълумотлари билан боғлаш (интеграция) борасидаги илмий изланишлар етарлича амалга оширилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти илмий-тадқиқот ишлари режаларининг А7-ФК-1-65-821 «Яйловларни ГАТ технологияларини қўллаган ҳолда масофавий маълумотларга ишлов бериш орқали мониторинг қилиш» (2012-2014 йй.) мавзусидаги фундаментал, ҚХА-7-029-2015 «Вертикал ва горизонтал минтақа тупроқларидаги деградация

жараёнларини аниқлаш ва мониторинг қилишнинг компьютер ахборот тизимини ишлаб чиқиш усулларини такомиллаштириш» (2015-2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Чотқол ва Туркистон ўрта ва паст тоғ тизмалари тупроқларидаги эрозия жараёнларини аниқлаш ва баҳолаш учун ГАТ технологияларини мослаштириш (адаптация)дан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

эрозия жараёнларини геоахборот таҳлил қилиш услубларини кўриб чиқиш, тадқиқот йўналишини (стратегиясини) ишлаб чиқиш;

ўрганилган ҳудудларнинг ўзига хос регионал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда табиий-иқлим шароитларини таҳлил қилиш;

ўрганилган ҳудудларда вертикал минтақаланиш қонунияти бўйича тарқалган тупроқларнинг эрозияга хавфлилигининг диагностик кўрсаткичлари, яъни хоссаларини аниқлаш ва олинган маълумотлар бўйича атрибутив тупроқ маълумотлари базасини ишлаб чиқиш;

атрибутив тупроқ ва рельефнинг морфометрик тавсифига оид геомакон маълумотлари базалари асосида эрозион жараёнларни геоахборот таҳлил қилиш учун ўрганилган ҳудудларнинг геоахборот маълумотлари банкни яратиш;

замонавий компьютер маълумотлари базаларини масофавий зондлаш маълумотлари ва дала тадқиқотлари натижалари билан боғлаш, яъни интеграция қилиш орқали эрозияланган тупроқларни хариталашнинг анъанавий усулларини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** Чотқол ва Туркистон тоғ тизмаларининг паст ва ўрта тоғларида тарқалган тўқ тусли бўз, тоғ жигарранг карбонатли, тоғ жигарранг типик, тоғ жигарранг ишқорсизланган ва тоғ жигарранг кучсиз ишқорсизланган тупроқлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** тупроқ эрозияси, ўрганилган ҳудудларнинг масофавий тасвирлари, тупроқ маълумотлар базаси, сув эрозиясининг геоахборот таҳлили натижасида яратилган мавзули хариталар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тупроқ таҳлиллари умумқабул қилинган услублар бўйича Аринушкинанинг «Тупроқнинг кимёвий таҳлиллари бўйича қўлланмаси», Вадюнина ва Корчагинанинг «Тупроқ грунтлари ва физик хоссаларини тадқиқот услублари» асосида бажарилди. Мавзули статистик қайта ишлаш жараёни Biostat усули орқали амалга оширилди. Дистанцион маълумотлар ГАТ технологиясининг ArcGIS Desktop/Workstation , Arc/Info, ArcView ва бошқа дастурлари ёрдамида қайта ишланди. Шунингдек, пикселларни классификация қилиш учун махсус ERDAS дастуридан, турли мавзудаги мавзули электрон хариталар яратишда 3D Analyst (Surface/Create TIN from Features), Surface/Interpolate Grid лардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор ГАТ асосида дистанцион маълумотларга ишлов бериш ҳамда атрибутив маълумотлардан фойдаланиш тоғли ҳудудларда кечадиган эрозия жараёнларини аниқлаш ва баҳолашда аниқ ахборотлар билан таъминлаши исботланган;



эрозия жараёнларини келтириб чиқарувчи табиий-иқлим ва тупроқ-экологик шароитларининг ўзига хос регионал хусусиятлари аниқланган;

тупроқ типларининг асосий хоссаларини эрозияланиш даражаси ва қиялик экспозицияси бўйича ўзгариши ҳамда уларнинг ҳудудий фарқланишлари инobatга олиниб, тупроқларнинг атрибутив маълумотлар банки яратилган;

ГАТ технологияларини қўллаган ҳолда дистанцион тасвирларни қайта ишлаш асосида тупроқларнинг атрибутив маълумотлар банки натижаларига кўра эрозияга хавфлилиқ даражаси бўйича ҳудуд ерлари гуруҳларга ажратилган ва баҳоланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

эрозия жараёнларини геоахборот таҳлил қилиш учун ишлаб чиқилган атрибутив тупроқ маълумотлари асосида ўрганилган ҳудудлар тупроқларининг кимёвий хоссалари акс эттирилган рақамли мавзули электрон хариталари банки яратилган;

геоахборот тизими негизида масофавий маълумотларга ишлов бериш асосида ўсимлик қопламининг вегетацион индекслари ҳисобланган ва мавзули хариталари ишлаб чиқилган;

геоахборот тизими негизида масофавий маълумотларга ва жойнинг топографик асосига ишлов бериш натижасида ўрганилган ҳудудлар рельефининг рақамли 2 D ва 3 D моделлари яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Назарий жиҳатдан расмий манбалар асосида фойдаланилганлиги ва замонавий тадқиқот усуллари ёрдамида тасдиқланганлиги, тадқиқотлар умумқабул қилинган услублар асосида ўтказилганлиги; назарий ва амалий натижаларни бир-бирига мослиги, олинган экспериментал маълумотларга статистик ишлов берилганлиги ва Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини нашр этишга тавсия этган Республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий нашрларда чоп этилганлиги ва муҳокама қилинганлиги, натижаларнинг ишончилигини кўрсатади.

**Тадқиқотнинг натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончилиги умумқабул қилинган тадқиқот усуллари, ҳамда олинган назарий натижаларни амалий маълумотлар билан тасдиқланганлиги, тажриба натижаларини ушбу тадқиқот йўналишида бошқа муаллифларнинг натижалари билан таққосланганлиги ва тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўрганилган ҳудудлар тупроқларида кечаётган эрозия жараёнларини ва тупроқ унумдорлигининг асосий диагностик кўрсаткичларига эрозия жараёнларининг таъсирини геоахборот таҳлил қилиш натижасида маълумотларни тизимлаштириш орқали маълумотлари базасига ўтишда кенг имкониятлар яратиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тузилган мавзули

хариталарнинг электрон версиялари ўрганилган хуудлар ерларининг қишлоқ хўжалигида фойдаланишга яроқлилигини таҳлил қилишда, ушбу ерларнинг эрозияга хавфлилигини баҳолаш алгоритмларини тузишда, тупроқ муҳофазаси чора-тадбирларини ўтказишда бир қатор экологик ва иқтисодий асосланган сценарийларни тузишда, ер ресурсларини локал, регионал ва миллий даражада бошқаришга ёрдам бериши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистон паст ва ўрта тоғлари тупроқларидаги эрозия жараёнларини геоахборот таҳлил қилиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

мавзули электрон хариталар кўринишидаги маълумотлар банки «Ўзбекистон Республикасининг янгиланган геологик харитасини тузиш ва миллий потенциал геологик бойлик объектларини мониторинг қилиш» мавзуси бўйича тўртламчи давр ётқизиқлари харитасини тузиш учун жорий этилган (Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасининг 2018 йил 23 майдаги 04/09-сон маълумотномаси). Натижада мавзули электрон хариталар замонавий ётқизиқларнинг геологик-генетик тавсифини аниқлаштиришда ва геокимёвий аномалиясини интерпретация қилишда хизмат қилган;

вегетацион индекслар акс этирилган мавзули хариталардан иборат маълумотлар банки ўсимлик дунёсининг ҳолатини, ўрмон хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг яроқлилигини таҳлил қилиш ва муҳофаза қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш учун жорий этилган (Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2018 йил 28 майдаги 03-03/2-2636-сон маълумотномаси). Натижада олинган маълумотлар илмий тавсиялар, концепциялар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда фойдаланилган;

тупроқларнинг атрибутив ва вегетацион индекс хариталарини акс этирувчи геоахборот маълумотлар банки Бахмал туманида 15000 гектар ер майдонни мониторинг қилишга жорий этилган (Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2018 йил 29 майдаги 02-05-4259-сон маълумотномаси). Натижада маълумотлар банки тупроқлар классификацияси ва таснифини мукамаллаштириш, географик қонуниятларга аниқлик киритиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари ҳар йили ЎзМУ ва ТИҚХММИнинг махсус комиссияси томонидан ижобий баҳоланган ва ҳисоботлар ЎзМУ ва ТИҚХММИнинг илмий ва услубий кенгашларида, халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларда (Варшава, Москва, Тюмень, Казань, Тошкент, Самарқанд шаҳарларида) маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий мақола чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 7 таси республика, 2 таси хорижий журналда ва 1 та монография нашр этилган. Олинган натижалар бўйича 2 та маълумотлар базаси яратилиб, Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал Мулк Агентлигида

рўйхатдан ўтказилган ва муаллифлик гувоҳномаси олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 6 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Паст ва ўрта тоғлардаги эрозия жараёнларини геоахборот таҳлили**» деб номланган биринчи бобида тадқиқот мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, 2 қисмга бўлинган бўлиб, улар «Эрозия жараёнларининг юзага келишида турли табиий омилларнинг таъсири» ва «Эрозия жараёнларини ўрганишнинг замонавий усуллари» деб номланган. Адабиётлар шарҳининг биринчи қисми бўйича таъкидлаш мумкинки, тоғ ҳудудларида эрозия жараёнлари табиий ва антропоген омиллар мажмуаси натижасида рўй беради. Табиий омиллар мажмуаси тезлашган эрозиянинг юзага келишига замин яратса, инсонларнинг ерлардан оқилона фойдаланмаслиги унинг ривожланишига сабаб бўлади. Адабиётлар шарҳининг иккинчи қисмида эрозия жараёнларини ўрганишда ГАТ технологиясининг асбоблари ва воситалари ёрдамида жараёнлар динамикасининг мониторингига асосланган геоахборот ёндашувлар тўғрисидаги тадқиқотлар кенг ёритилган. Адабиётлар шарҳининг якунида тоғли ҳудудлардаги сув эрозияси муаммоларини замонавий ГАТ технологияларини қўллаган ҳолда геоахборот таҳлил қилиш асосида ўрганиш зарурлиги ва бу эса, ерларнинг сифати ёмонлашишини ўз вақтида аниқлаш ҳамда баҳолашда катта аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида хулосалар қилинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот объектининг физик-географик шароитлари**» деб номланган иккинчи бобида тупроқ-иқлим шароитлари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Тадқиқот ҳудудлари лёссимон жинслар билан қопланган ва бунда маълум қонуниятлар кузатилади, яъни денгиз сатҳидан баландлик ошиб боргани сайин лёссли жинслар қалинлиги камайиб боради. Шунингдек, ўрганилган ҳудудларда учламчи неоген ётқизиклари, пролювиал, делювиал-пролювиал ётқизиклар ҳам кенг тарқалганлиги ва улар, асосан, тоғ қияликларининг этагида тўпланганлиги кузатилади. Чотқол тоғ тизмасининг табиий шароитлари эрозия жараёнларининг жадал боришига катта хавф яратади, бунга ҳудуднинг кескин бўлинишлари, тоғ қияликларининг кучли нишаблиги, асосан баҳорги ва кузги-қишки даврларда

ёғадиган жала, сел ёғинларининг тез-тез бўлиши сабаб бўлиб, улар тупроқларнинг ювилиши ва ўпирилишининг асосий омиллари ҳисобланади. Иқлимга кўра, Туркистон тоғ тизмаси ҳам бир қатор специфик хусусиятларга эга, яъни иқлимнинг жуда қуруқлиги, радиациянинг кучлилиги ва ёғинларнинг камлиги билан характерланади. Шунга боғлиқ ҳолда ҳудудда фитомасса захирасининг камлиги характерлидир. Чотқол тоғ тизмасида ҳаво ҳароратининг бирмунча пастлиги ва вертикал минтақаланиш бўйича баландлик ошган сари ёғинлар миқдорининг ортишига боғлиқ равишда ўсимликлар тарқалишида чуқур илдиз отадиган кўп йиллик ўтсимон ўсимликлар, бута ва дарахт турларининг кўплиги Туркистон тоғ тизмасига нисбатан 2-3 барабар кўп фитомасса тўпланишини таъминлайди.

Диссертациянинг учинчи боби **«Тадқиқот стратегиясини ишлаб чиқиш мақсадида сув эрозиясини геоахборот таҳлил қилиш усуллариининг шарҳи»** деб номланган. Эрозия жараёнларини геоахборот таҳлил қилиш учун ишлаб чиқилган тадқиқот стратегияси учта асосий, яъни бу - вектор харитаси қатлами (асосий харита), растрли масофавий тасвир қатлами (жой рельефининг рақамли модели билан тўлдирилган асосий масофавий тасвир) ва ахборот базаси блокинни ташкил этувчи асосий мавзули хариталар қатлаидан ташкил топган маълумотлар базасини шакллантиришни ўз ичига олади. Масофавий маълумотларни дешифровка қилишда автоматлаштирилган (компьютер) усуллари - масофавий маълумотларга ишлов беришга асосланади ва геометрик хусусиятларни ва ёрқинликни ўзгартириш, шунингдек белгиларни классификациялашни ўз ичига олади.

Диссертациянинг тўртинчи боби **«Геоахборот таҳлил қилишда маълумотлар банкини тузиш учун ўрганилган ҳудудда вертикал минтақаланиш бўйича тарқалган тупроқларнинг хосса-хусусиятларини, эрозияга хавфлилигининг диагностик кўрсаткичларини аниқлаш»**дир. Рельефнинг турли элементларидаги ювилган тупроқлар морфологик белгиларига кўра бир хил эмас ва бу хусусият улар профилининг тузилиши, гумусланган қатлам қалинлиги, структураси, ранги, механик таркиби, карбонатли қатламларни ётиш чуқурлигида намоён бўлади. Тупроқ кесмаси тўқ тусли бўз тупроқлардан тоғ жигарранг тупроқлар томон гумусли қатлам қалинлигининг ортиши, ёмғир чувалчанги ва ҳашаротлар билан кучли ишланганлиги, рангининг тўқроқ бўлиши, чангсимонлигининг камайиши, тузилишининг зичлашиши, структурасининг ўзгариши, сувга чидамли қумоқсимон ва ёнғоқсимон структуранинг ортиши, иллювиал ва гилланиш қатламининг аниқроқ ифодаланиши, карбонат қатламининг янада чуқур жойлашиши билан тавсифланади. Шимолий қиялик тупроқларида жанубий қияликлик тупроқларига нисбатан гумусли қатлам қалинлигини, рангининг жадаллиги ортиши, карбонат ва гипс бошланиш чегарасининг чуқурлашиши, структурасининг яхшиланиши кузатилади.

Ўрганилган ҳудудларнинг тупроқлари механик таркибининг тўқ тусли бўз тупроқлардан тоғ жигарранг карбонатли, типик ва ишқорсизланган тупроқларига ўтилгани сайин оғирлашиб бориши кузатилди. Ўрганилган


худудлар тупроқлари учун ил ва чанг фракцияларининг кўп бўлиши, шунингдек кум фракцияларининг камлиги туфайли ушбу тупроқлар механик таркибига кўра оғир қумоқ тупроқлар ҳисобланади. Тупроқ кесмасининг ўрта қатламларида гилланиш ( $<0,01$ ) кузатилади (Чотқол тоғ тизмаси тупроқларида 52-55%, Туркистон тоғ тизмаси тупроқларида эса 47-50%), бунда ил фракциялари  $< 0,001$  (11-19%) миқдори баландлик ошиши билан ортиб боради. Ўрганилган тупроқлар қаттиқ фазасининг зичлиги 2,44 дан 2,76 г/см<sup>3</sup> оралиғида ўзгариб туради. Ўрганилган тупроқлар зичлиги тупроқ профилини, яъни унда зичланган иллювиал қатламларнинг намоён бўлиши, юқориги қатламларнинг ғоваклиги ёки зичлигини тавсифлайди. Тупроқларнинг ғоваклилик даражаси тупроқларнинг структуралилиги, механик таркиби ва гумус миқдorigа боғлиқ равишда ўзгаради.

Ўрганилган тупроқларнинг тип ва типчаларида биологик аккумуляция маҳсули ҳисобланган гумус ва озуқа элементларининг миқдори турличадир. Тоғ жигарранг тупроқлари тўқ тусли бўз тупроқларга нисбатан гумус миқдорининг кўплиги билан ажралиб туради. Бу ҳолатни баланд минтақа тупроқларида ҳавонинг мўътадил ҳарорат шароитида минерализация жараёнига нисбатан гумификация жараёнининг устунлик қилиши натижасида катта миқдорда гумус тўпланишига имкон бериши билан изоҳлаш мумкин. Гумус ва озуқа элементлари билан таъминланишига кўра ўрганилган худудлар тупроқларини қуйидаги камаювчи тартибда жойлаштириш мумкин: тоғ жигарранг ишқорсизланган - жигарранг типик - жигарранг карбонатли - тўқ тусли бўз тупроқлар. Сув айиргич тупроқлари очик ерлардаги қиялик тупроқларига қараганда яхши, мақбул агрокимёвий хоссаларга эгадир. Изланишларнинг кўрсатишича, энг кўп гумус ва азот миқдори сув айиргич ва қияликнинг пастки қисмларида тарқалган ювилмаган ва ювилиб тўпланган тупроқларда бўлса, қияликлардаги ювилган тупроқларида эса уларнинг миқдори унча кўп эмас.

Бу ҳолат ювилиш даврида тупроқнинг гумусга бой, ўсимлик илдизлари жойлашган юқориги қатламининг ювилиши натижасида гумус ва азот захираларининг сезиларли камайиши билан боғлиқдир. Ялпи фосфор ва калийнинг миқдори ҳам тупроқ профили бўйлаб нисбатан кам миқдорда ўзгариб туради. Юқори қатламларда биологик омиллар билан боғлиқ равишда ушбу элементларнинг тўпланиши кузатилади. Тупроқларда ялпи фосфор ва калий миқдорида фарқланишлар кузатилмасада, уларнинг ҳаракатчан шакллари миқдори бўйича бир-биридан сезиларли фарқланади.

Диссертациянинг бешинчи боби «**Ўрганилган худуддаги эрозия жараёнларни геоахборот маълумотлар базаси**» деб номланган бўлиб, бу бобда тупроқларнинг атрибутив маълумотлар базасини (АМБ) ишлаб чиқиш бўйича маълумотлар келтирилган. Тузилган АМБ ахборотларни структурасига кўра босқичма-босқич классификациялаш, маълумотларни тизимлаш, турли ахборот блокларини умумий параметрларига кўра бирлаштириш имкониятига эга. АМБ Microsoft Access дастурий пакети асосида тузилган бўлиб, шуни инобатга олиш лозимки, Accessда тузилган МБ ArcGIS хотирасида сақланиши ва бошқа лойиҳалар учун ҳам тавсия

этилиши мумкин. Лекин, илгариги авлоддаги ArcViewдан замонавий ODBC driver ArcGIS 9 фарқи унинг Accessда тузилган МБ объектларининг номларига бўлган талаби ҳисобланади. Масалан, жадвал ва ҳошиялар номи кирилл алифбосида ёзилмаслиги, шунингдек ностандарт символ ва оралиқлар бўлмаслиги керак. Тузилган АМБ «Тоғ тупроқлари асосий хоссаларининг унификация қилинган маълумотлар базаси» номи билан номланган бўлиб, унинг функционал имкониятлари тупроқларнинг ҳозирги ҳолатини баҳолаш ва сўровни амалга ошириш имкониятларини берувчи маълумотларни тизимлаштиришдан иборат. Мавжуд МБ 13 та асосий жадвал, сўров ва ҳисобот шаклларида иборат (1-расм). Масалан, “Тупроқларнинг морфологик кўрсаткичлари” жадвалидаги ёзувларни ўрганилган ҳудудлар тупроқларининг морфологик кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар ташкил қилишини кўриш мумкин. У 12 та ахборот ҳошиясида иборат бўлиб, биринчи ҳошия «ёзувлар шифри» бўлиб, маълумотлар базасининг барча 13 та жадвали учун ҳисобчи бўлиб хизмат қилади. У ерда ёзувлар рақами қайд қилинади. Уни тўлдириш автоматик тарзда амалга оширилади. Ҳошиялар формати– текстга оид.




1-расм. Тупроқлар маълумотлар базасининг фаол ойнаси ва массиви

«Ўрганилган ҳудуднинг геомакон маълумотлар базасини ишлаб чиқиши» бўлимида жойнинг маконга оид маълумотларини акс эттирувчи турли мавзули характердаги рақамли электрон хариталар асоси тўғрисида маълумотлар келтирилган. Геомакон маълумотлар базасининг (ГМБ) ҳудудий қамрови тадқиқотлар объектининг географик ҳудудий масофалари (космик тасвирлар сараланишини инобатга олган ҳолда), шунингдек географик жойлашуви координатларини боғлаган ҳолда дала шароитида тўпланган материаллар бўйича аниқланади. Мавзули тупроқ электрон хариталарини ишлаб чиқишда асос бўлиб, жойнинг топохаритаси, Landsat спутник тасвирлари хизмат қилади. Объектларни бир - бирига нисбатан яқинлигини таҳлил қилиш мақсадида ГАТда буферизация жараёни асосида берилган радиуслар атрофи зоналарга ажратилган: нуқта атрофи (тупроқ

кесмаси), чизик атрофи (дарё, жар, йўл), полигонал (кўл, тупроқ контури). Сўнгра қандай объектлар бу зоналарга тушганлигини таҳлили амалга оширилган. Кўрсатиш, устма - уст қўйиш «наложение» жараёни турли мавзудаги қатламлардаги маълумотларни интеграция қилишни ўз ичига олади. Оддий ҳолларда бу акс эттирилиш операцияси ҳисобланади, лекин таҳлилий операцияларда турли қатламлардаги маълумотларни бирлаштирилиши тушунилади. Кўрсатиш инструменти маълумотларни интеграллашиш имкониятини яратади. Хариталар тузишнинг энг аҳамиятли томони - бу тупроқ хоссаларини градация бўйича тақсимлашдир.

«Гумусни тарқалиши» мавзули харитасини тузиш. Гумус ва карбонат миқдори тупроқларнинг эрозияга қарши чидамлилиги кўрсаткичи ҳисобланади. Тупроқнинг ювилиши унинг таркибидаги гумус билан чамбарчас боғлиқ, таркибида қанчалик гумус юқори бўлса, тупроқнинг ювилиши шунча камаяди, сабаби гумус тупроқ зарраларини бир-бирига ёпиштириб, сувга чидамли йирик агрегатлар ҳосил қилади ва эрозияга қарши чидамлилигининг юқори бўлишига олиб келади.


Чотқол тоғ тизмасида гумус миқдори 6 дан 9 % гача бўлган ерлар умумий майдоннинг 15,4% ини ташкил этади, гумус миқдори 4,4-5,93 % бўлган ерлар –32%, гумус миқдори 2,94 - 4,43 % бўлган ерлар –51,8%, гумус миқдори 2,19-2,93 % бўлган ерлар - 2,90%, гумус миқдори 0,79 -2,10 % бўлган ерлар-0,12% ни ташкил қилади (2-расм).



**2-расм. Тупроқларнинг юқориги қатламида гумус тарқалишининг 2 D ва 3 D модели (Чотқол тоғ тизмаси)**

Туркистон тоғ тизмасининг тўқ тусли бўз тупроқларининг юқориги қатламида гумус миқдори 1,92 дан 2,05 % гача бўлган ерлар майдони - 0,48 %, 2,06 дан 2,37 % гача бўлган ерлар майдони - 98,16 %, 2,38 дан 2,55 % гача бўлган ерлар майдони - 1,37 % ни ташкил қилади. Тоғ жигарранг тупроқлар минтақасида гумус миқдори 1,6 дан 2,54 % бўлган ерлар -1,21 %, 2,55-3,14 % бўлган ерлар– 74,60%, 3,15 -3,58 % бўлган ерлар –21,14 % майдонларда тарқалган.

«Тупроқдаги  $CO_2$  карбонатнинг миқдори» мавзули харитасини тузиш. Чотқол тизмаси ер майдонларида карбонатларни тарқалиш кўрсаткичлари қуйидагича: 6,43 дан 9,03 % гача карбонатлар умумий майдоннинг 0,14%, 4,68-6,42 % гача карбонатлар –1,91%, 2,07-4,67 % гача карбонатлар –83,7%, 0,31-2,06 % гача карбонатлар –14,40% ини ташкил қилади. Туркистон тизмаси тупроқларининг юқори қатламида карбонатларнинг миқдори тоғ жигарранг тупроқларда қуйидаги кўринишда бўлди: карбонатлар миқдори 2,6 дан 4,61% гача бўлган ерлар умумий майдоннинг - 37,65 %, 4,62-7,62 % карбонатлар –28,99 %, 7,63-10,63 % карбонатлар 22,41 %, 10,64-12,64 % карбонатлар –0,94 % ни ташкил қилса, тўқ тусли бўз тупроқларда эса 6,36 дан 6,77 % карбонатлар -96,33 %, 6,78 - 7,04% карбонатлар - 3,66 % ташкил қилади (3-расм).




**3-расм. Тупроқларнинг юқори қатламида  $CO_2$  карбонатлар тарқалишининг 2D ва 3D модели (Чотқол тоғ тизмаси)**

«Рельефнинг морфометрик тавсифи» параграфида рельефнинг қуйидаги морфометрик кўрсаткичлари: муайян геоморфологик районни абсолют ва нисбий баландлиги, қиялик нишаблиги ва экспозицияси таҳлил қилинган.

*Рельефнинг рақамли моделини (PPM) тузиш.* PPM ни тузишда маконга оид боғлаш ArcGIS (ESRI) дастур маҳсулоти воситалари ёрдамида амалга оширилди. Жойнинг учламчи моделини яратиш учун 3D Analyst модули ёрдамида растр юзаларни тузиш услубидан фойдаланилди.

Чотқол тизмасининг PPM таҳлили ўрганилган ҳудудлар бўйича 11% майдон абсолют баландлиги денгиз сатҳидан 900 дан 1100 м (тўқ тусли бўз тупроқлар зонаси), 18,04 % - 1100 дан 1350 м (тоғ жигарранг карбонатли тупроқлар зонаси), 25,01 % - 1350 дан 1600 м (тоғ жигарранг типик тупроқлар зонаси), 23,37% майдон эса 1600-1800 м (тоғ жигарранг ишқорсизланган тупроқлар зонаси) ва тадқиқотлар ҳудудининг 21,4 % денгиз сатҳидан 1800 м баландликда эканлигини кўрсатади (4-расм).






**4- расм. Худудлар баландлик бўйича минтақаланишининг 3D модели (Чотқол ва Туркистон тоғ тизмалари)**

Туркистон тоғ тизмасида тоғ жигарранг тупроқлар зонасида тахминан 32,16% майдоннинг абсолют баландлиги денгиз сатҳидан 900 дан 1132 м (тўқ тусли бўз тупроқдан тоғ жигарранг карбонатли тупроқларга ўтиш зонаси), 18,03 % майдон 1133 дан 1451 м (тоғ жигарранг карбонатли тупроқлар зонаси), 19,57 % - 1452 дан 1734 м (тоғ жигарранг карбонатли тупроқлар зонаси), абсолют баландлик 1735-1998 м бўлган майдон ўрганилган ҳудуднинг 17,41 % (тоғ жигарранг ишқорсизланган тупроқлар зонаси) ва 12,28% майдон 1998 м баландликни ташкил этиши аниқланди. Тўқ тусли бўз тупроқлар зонасида 34,1% майдон ерларида абсолют баландлик денгиз сатҳидан 942 дан 1103 м эканлиги аниқланди.

*«Қиялик нишаблиги харитаси» мавзули харитасини тузиш.* Тадқиқот ҳудудларида қиялик қанчалик тик бўлса, шунчалик тупроқ жинслари зарраларини пастга силжитувчи оғирлик кучи сезиларли бўлади. Оғирлик кучи қияликларнинг тузилишига ёрдам бериши ёки аксинча ҳалал бериши мумкин. Ушбу омилларга боғлиқ ҳолда қиялик ҳосил бўлиш жараёнлари турли ташқи кўринишга эгадир, агар турли омилларнинг таъсирини инобатга олсак, қияликларнинг нишаблиги ва уларнинг физик тавсифи эрозия жараёнларини кучайтириш хусусиятига эга.

Қиялик нишаблигининг ҳисоби пиксел кўрсаткичлари ҳисобига асосланган. Бу ёндашув РРМ растр асослари бўйича кўпгина кўрсаткичларни ҳисоблашда, баландликларни акс эттирувчи геомайдон сифатида фойдаланилади. Бунда ҳисоб локал ҳаракатланувчи ойна қўлланилган ҳолда (одатда 3x3 пиксел ўлчамда) пиксел ва унинг атрофидаги бўлган боғлиқликни миқдорий таърифлаш имконини яратади. Ойна «окно» бутун растр юзаси орқали йўналтирилади (йўналиш юқори чапдан ўнг паст томонга қараб) ва бир вақтнинг ўзида ҳар бир позицияда асосий растрнинг катаги «ячейка» учун бир хил мавзули операциядан фойдаланилади. Ҳисоб натижаси марказдаги катак «ячейка»ни қўшни катак «ячейка»лар қиймати

билан таққослаш орқали аниқланади ва РРМ бошланғич кўринишига ўхшаш, лекин бошқа параметрларга эга янги растр қатлам ҳосил бўлади. Қияликнинг нишаблиги ҳисоби амалга оширилгандан кейин қияликни ўртача кўрсаткичи аниқланади (5-расм). Чотқол тизмасида ўртача қияликнинг нишаблиги -  $21,67^{\circ}$ , Туркистон тизмасида -  $14,50^{\circ}$  ташкил қилади.



**5-расм. Туркистон тоғ тизмасидаги қияликлар нишаблиги харитасини 2-3D моделлари**

Худудлардаги қиялик нишаблигини эрозия жараёнларига бўлган умумлаштирилган таъсирини таққослаш учун қуйидаги ҳисоб амалга оширилди: ҳар бир градация бўйича ажратилган нишабликни ўртача кўрсаткичини 3,11 даражага кўтариб, қиялик коэффицентига (0,0018) кўпайтириш ва ушбу нишаблик градациясидаги қияликлар майдонига кўпайтириш (В.С. Федотов формуласи):


$$q = S_{\text{га}} \times 0,0018 \times I^{3,11} \times 10$$

$q$  – худуд тумани учун ювилган тупроқ, тоннада,  $S_{\text{га}}$  – ҳар бир градация бўйича ажратилган нишаблик майдони, гектарда,  $I$  – ҳар бир градация бўйича ажратилган нишабликнинг ўртачаси, градусда. Қияликнинг нишаблигига боғлиқ равишда ювиладиган тупроқ миқдори қуйидаги жадвалда келтирилган (1-жадвал):

## Қиялик нишаблигининг тупроқ ювилишига таъсири (тоннада)


Чотқол тизмаси (тўқ тусли бўз, тоғ жигар ранг карбонатли, тоғ жигарранг типик ва тоғ жигар ранг ишқорсизланган тупроқлар зонаси, тадқиқотлар объектининг умумий миқдори 1540 гектар)								
Хар бир ажратилган қиялик нишаблигининг ўртача қиялиги (градусда)								
3 <sup>0</sup>	8 <sup>0</sup>	12 <sup>0</sup>	16 <sup>0</sup>	20 <sup>0</sup>	24 <sup>0</sup>	28 <sup>0</sup>	32 <sup>0</sup>	37 <sup>0</sup> дан юқори
Ювиладиган тупроқ миқдори (тоннада)								
70	2432	9730	23005	41443	84005	88362	81174	82251
Туркистон тизмаси (тоғ жигар ранг тупроқлар зонаси, тадқиқотлар объектининг умумий миқдори 2337 гектар)								
3 <sup>0</sup>	8 <sup>0</sup>	12 <sup>0</sup>	16 <sup>0</sup>	20 <sup>0</sup>	24 <sup>0</sup>	28 <sup>0</sup>	32 <sup>0</sup>	37 <sup>0</sup> дан юқори
Ювиладиган тупроқ миқдори (тоннада)								
216	4900	12591	30806	56658	81534	94632	101036	160754
Туркистон тизмаси (тўқ тусли бўз тупроқлар зонаси, тадқиқотлар объектининг умумий миқдори 14916 гектар)								
3 <sup>0</sup>	7 <sup>0</sup>	10 <sup>0</sup>	13 <sup>0</sup>	17 <sup>0</sup>	20 <sup>0</sup>	23 <sup>0</sup>	26 <sup>0</sup>	31 <sup>0</sup> дан юқори
Ювиладиган тупроқ миқдори (тоннада)								
1260	24411	63977	116514	190095	236042	244272	222743	186984

